

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқларимизда турмуш даражасини юксалтириш, деҳқон, чорвадор, боғбон — умуман, қишлоқ аҳолининг маънавиятини янада тўлроқ таъминлаш бугунги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолди. Уни таърифлаб, давлатимиз раҳбари қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркорлигини қайта-қайта таъкидламоқда.

Биз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурини ишлаб чиқишга шу талаб нуқтаи назаридан ёндашдик. Унда қишлоқларимизда амалга оширилиши зарур бўлган катта-кичик режалар муассасмалари, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар асос эътиборга олинди. Ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жадвал тус олдирди дастурнинг асосини ташкил этади, пировардида туманимиз иқтисодий бажарор ривожлантиришга ишончли асос яратилади.

Хўш, сай-ҳаракатларимиз, унинг асосий йўналишлари нималардан иборат? Албатта, асосий эътибор қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтиришга қаратилган. Ўтган йили туманимизда ўсиш суръати 3,2 фоиз бўлиб, 70,1 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Сўнгги йилларда саноатни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш борасида тўпланган тажрибалар бугун кўл келмоқда. Чунончи, Бордонқўл, Тинчлик, Суренкент, Жамбул қишлоқларида иш бошлаган шарбат ва сут маҳсулотлари, гишт ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш цехлари, сиклинг газ компрессор станциясида бугун юзлаб йилгит-қизларимиз меҳнат қилмоқда. Эндиликда туманимизда хорижий сармоя иштироки-

ИЛК НАТИЖАЛАР ИШОНЧИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

даги 25 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Умуман, ўтган йили туманимиз хорижга 5,4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди.

Эришилган тажрибалар бу йилги ҳаракатларимиз қўламини кенгайтиришга асос бўлаяпти. Жаҳон иқтисодий инқирози кучайиб бораётган бир пайтда биз Арганичи, Жамбул, Суренкент қишлоқларида йилига 33 миллион донна пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган 4 та янги қувватни ишга тушираёلمиз. Бундан ташқари дастурида Тинчликда ичимлик суви ва рангли шифер, Янгибозор шаҳарчасида конфет ишлаб чиқариш корхонасини ҳам ишга тушириш кўзда тутилган. Натижада қишлоқ жойларида 500 га яқин янги иш ўринлари очилади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга оид режаларимиз 1,6 километр ичимлик сув тармоғини барпо этиш, 18,4 минг квадрат метр саҳна-ий уй-жой қуриш, 1365 ўқувчи ўрнига эга бўладиган 2 та коллеж қурилишини яқунлаш, 1144 ўринли 4 та

мактабни тўла қайта қуриш, 3 та мактабни капитал таъмирлашни ўз ичига олади. Бу ишларни амалга ошириш учун 7 миллиард 156 миллион сўм маблағ сарфланади. Давлат ва ҳўжалик идоралари, қурилиш ташки-

эти мақсадида қизгин иш бошлаб юбордик.

Албатта, дастурда белгиланган ва кўзда тутилган режаларни муваффақиятли амалга ошириш бюджет ва нобюджет маблағларни жамлашни, уларни мақсадли

фойдаланиш белгиланган марралар муваффақиятли эгалланишидан далолат бераётди.

Йилнинг биринчи чорагида эришилган натижалар фикримизнинг далили бўла олади. Чунончи, дастлабки уч ойда саноат маҳсулотлари ўтган йилнинг шу муддатидагидан сезиларли ўсди. Хозирча 500 минг АҚШ доллари миқдоридан хорижий сармоя жалб этилиб, "Ichimliksvdoinvest" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди. Янги корхонада 12 киши иш бошлади. Шунингдек, "Тано" фермер ҳўжалигида йилига 400 тонна маҳсулотни қайта ишлайдиган корхона ҳам ишга туширилди. Биринчи чорада бу янги корхона дастлабки 4,5 миллион сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга etkazib берди.

Шу кунларда "YK YONG YANG" қўшма корхонаси, "CHINESE SHIFER" хўсусий корхонасини ишга тушириш ҳаракатидамиз. Бу икки корхонага 203 минг АҚШ доллари миқдоридан хорижий сармоя тўғридан тўғри киритилди.

Эришилаётган дастлабки натижалар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурининг режалари мукамал бажарилишига бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда.

Равшан ОРТИКОВ,
туман ҳокими.



СУРАТДА: «SOLEY TEXTILE» корхонасида ҳамшиша иш қизғин.

Юқоричирчиқ тумани:

ДАСТУР БАНДЛАРИДА МУБОЛАҒАСИЗ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МУЖАССАМ

• Бу йил туманда 16 минг 600 тонна пахта, 76 минг 800 тонна галла, 148 тонна пилла, 15 минг тонна картошка, 68 минг тонна узум, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

• Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг дастлабки уч ойида 250 миллион

сўм сармоя сарфланиб, 9 та маиший хизмат, 2 та саноат корхонаси ишга туширилди.

• Туманда 6 та янги қўшма корхона ишга тушириш режалаштирилган.

• Йил давомида Янгибозор шаҳарчаси ва қишлоқларда 3797 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Фермерлик ҳаракати

ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИНГ ҚАДРИ БЎЛАКЧА

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари фермерлик ҳаракатини чўқур ўйланган ва асосланган дастур бўйича ташкил қилиш, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Аввало, ерга муносабатни тўғри шақллантириш, уни ҳақиқий эгаларига топшириш қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, халқимизнинг турмуш даражасини кўтаришда хал қилувчи аҳамиятга эга.

Юртбошимиз: "Ҳақиқий фермерлар нафақат қишлоқ ҳўжалигини, деҳқончиликни, керак бўлса, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий масалаларни ўрганиши, энг муҳими, замонавий техника билан тиллаштиришга тайёр инсон бўлиши даркор", деб уқтирди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида фермерлик ҳаракатини шу таъмоиллар асосида шакллантиришмоқдамиз. Кичик, иқтисодий жиҳатдан заиф ҳўжаликлар бирлаштирилиб, илгариги 890 та ўрнида бугун 390 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпи пахта ва галла етиштиришдан ташқари сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик, паррандачиликка ихтисослаштирилди.

Уларга сервис хизмати кўрсатиш ҳам таъмоиллаштирилмоқда. Чорвадорлар учун ўнта ем сотиш шабоҳаси ташкил этилди. "Чорва-парранда келажак" масъулияти чекланган жамияти бу борада беминнат хизмат кўрсатапти. Дала ишлари тобора қизгин тус олиб бораётган шу кунларда ёқилги-мойлаш ашёлари, минерал ўғитлар тарқатиш шабоҳачалари ҳам узлуксиз ишлаб турибди.

Бугунги фермерлар нафақат уста деҳқон ёки чорвадор, балки қишлоқларга саноатни дадил олиб кирувчи замонавий тадбиркор сифатида ҳам шаклланимоқда. Шу боис "Ўзэксомарказ"га уларнинг сафарлари нн тез-тез уюштирялми. Мини технологлар, энг янги тажрибалар билан яқиндан танишув фермерларимизда ташаббускорлиқни кучайтирмоқда. Бу борада чорвачиликка ихтисослашган "Тано" фермер ҳўжалиги алоҳида ибрат кўрсатапти.

Чет элдан зотдор қорамоллар оlib келиб, наслчиларни ривожлантириш мақсуддорлигининг муттасил оlib боришда муҳим ўрин тутаетир. Ҳўжалик аҳолини ва бир қатор муассасалари сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга. "Нурмат ота" фермер ҳўжалиги ҳам чорвачилик ва галлачилик билан шуғулланиб, бой тажриба орттирди. Давлат бююртмасини тўлиқ бажариб келаетган бу ҳўжалик қорамоллари 150 бошдан ошди. Фермер Зайниддин Нурматов ҳар қарич ернинг қадрига етади, техникани эъоззлайди. Энг муҳими, ишловчиларнинг моддий-маиший турмушини яхшилаш масалалари билан муттасил шуғулланади.

Суренкент қишлоғидаги Абдумажид Усмонов ҳам таъники фермерларимиздан. У дала ишларини илгор агротехника талаблари асосида ташкил этиб, пахта ва галладан мўл ҳосил етиштиряпти.

Фермерларга зарур ёрдам кўрсатиб, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигини ошириб боришлари учун қўлай шароит яраттаганимиз боис улар раванк топиб, иқтисодий жиҳатдан кучаймоқда. Бугунги кунда туманимизда етиштирилаётган пахтанинг 100, галланинг 97 фоизини, мева, узум ва сабзавотнинг 56 фоизини фермерларимиз etkazib беришяпти.

Тўғри, фермер ҳўжаликларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши ҳали етарли эмас. Ўтган йили бу кўрсаткич 16 фоизга тўғри келди. Шу муносабат билан чорвачиликка ихтисослашган ҳўжаликда маҳсулот етиштиришнинг кўпайтириш бугунги сай-ҳаракатларимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Сайёра КАРИМОВА, фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман вакили.

БИЗДА ИҚТИДОРЛАР КўП

Умумтаълим мактабларимизда бундай юқори малакали педагоглар кўп. 1353 ўқитувчининг 860 нафари юқори тоифали. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида мактабларимизни янги педагогик технологлар асосида жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Дарс машғулотлари, умуман, таълим-тарбия жараёнлари савиясини оширишда компьютер хоналари, замонавий талаблар даражасида жиҳозланган ўқув кабинетлари ва лабораториялар тобора муҳим аҳамият касб этаётир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу ишлар яна ҳам кенг тус олмақда. Бунинг дастлабки натижалари ҳозирданок кўзга ташланиб қолди. Чунончи, фанлар бўйича олимпиадаларнинг яқинда Қибрай туман касб-хунаро коллежидан ташкил этилган вилоят босқичида уч ўқувчимиз биринчи, яна икки ўқувчимиз иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Барча фанларни ўқитишда компьютер техникасидан фойдаланиш яхши самара бераётир. Хозирги пайтга келиб педагогларимиз 23 та умумтаълим мактабидан таълимнинг шундай замонавий воситаларидан оқилона фойдаланишяпти. Бу дарсларда ўқувчилар фаоллигини кучайтирмоқда. Бу йилнинг ўзига ҳос яна бир жиҳатини ҳақид гапирмаслик мумкин эмас. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилди, у ўз фаолиятини аниқ чора-тадбирлар режаси асосида қизгин давом этиряпти. Барча мактабларда алоҳида бурчлар жиҳозланди. Ўқувчилар ўртасида қишлоқларни ободонлаштириш мавзусида ижодий ишлар ўтказилди. "Кандай эди, кандай бўлди" мавзусида фотоальбом ва фото кургалар ташкил этилди. Тўртта мактабимизда ўқувчилар боғи барпо қилинди.

Абдузхўр ҚОРАБОВ,
халқ таълими бўлими ходими.



СУРАТДА: Яссавий қишлоғидаги янги коллеж қурилишида иш бошқарувчи Қодир Бошқорав (ўртада) бинокорларни иш расамади билан таништирмоқда.

ИККИТА ЭДИ, ТЎРТТА БЎЛАДИ

Хозиргача Юқоричирчиқ ёшлари фақат иккита коллежда билим олиб, турли касб-хунароларни эгаллашарди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида коллежлар сони яна иккитага кўпаяди.

Шу кунларда Янгибозор шаҳарчаси чеккасида коммунал-ҳўжалик, Яссавийда қишлоқ ҳўжалик ва тадбиркорлик касб-хунаро коллежлари учун бар янги бинолар жадал суръат билан қуриляпти. Уларнинг биринчисидан 540, иккинчисидан 825 талаба билим олиб, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган замонавий касбларни эгаллашади.

Қурувчилар коммунал-ҳўжалик коллежидан хозиргача 1 миллиард 850 миллион сўмлик иш бажариб қўйишди. Яссавийдаги коллеж қурилишида ҳам иш тигиз жадал асосида ташкил этилган. Юқори қаватлар деворлари тикланиб, том ёпилаётган бўлса, биринчи қаватда хоналар сувоқдан чиқарилиб, пардозланаётир.

Хар икки қурилишда турли

техника воситаларидан оқилона фойдаланилаётганлиги иш суръатини оширяпти. Чунончи, қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорлик коллежи учун бар, по этилаётган бинолар қурилишида шу кунларда 183 бинокор меҳнат қиляпти. Кундалик ишлар жараёнида 4 та кўтарма кран, 4 та ярим тиракма транспорт воситаси, 2 та К-700, битта экскаватор унумли ишлаётир.

Қурувчиларимиз ҳар икки бино қурилишини июль-август ойларида тўла-тўқис яқунлашга аҳд қилишган. Коллежлар катта ҳаёт сари интилаётган ўғил-қизларимиз учун янги ўқув йили арафасидаги совғамиз бўлади.

Сабриддин САБДУЛЛАЕВ, "Сам-Аракс" пудрат ишлари шўба корхонаси бош муҳандиси.

МАҲСУЛОТИМИЗГА ТАЛАБ КАТТА

Бизнинг "SOLEY TEXTILE" масъулияти чекланган жамиятимиз ўтган йилнинг октябры ойида Янгибозорда иш бошлади. Гўдаклар учун тилаётган ички кийимлар асосан Россия Федерациясига экспорт қилинаётир.

Январь ойидан буён 6792 минг АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқариб, асосан хорижий шеркларга жўнатди. Хозирги пайтда корхонамизда 146 хотин-қиз меҳнат қиляпти. Бош уста Ким Мия, усталардан Наталья Пикалова, Нилуфар Жаматова, Малика Одилова, Хадича Нўмон-хўжаева, тикувчилардан Комила Коратоева, Ақидат Эсонова, Зулфия Султоновалар ўз касбларини пухта эгаллаб олган устозлар сифатида ҳурмат-эътибор топишди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ишлаб чиқариш ҳажмларини янада оширишни режалаштирялми. Бунинг ҳисобига яна 154 хотин-қизни ишга қабул қилишни мўлжаллялми. Кейинги ойларида корхонамизда иш бошлаган Жамила Девонова, Дилором Қурбонова, Гузал Рихсиева сингари ёшлар тикувчилик касбини эгаллаб, ғайрат билан меҳнат қиляшарди. Биз келгусида ҳам қишлоқ ёшларини ишга қабул қилиб, касб маҳоратини эгаллашларига

ёрдам бераверамиз.

Қувончлиси, хозирги даврда жаҳонда кучайиб бораётган иқтисодий тангликка қарамадан биз янги-янги режаларни амалга оширишга қиришялми. Маҳсулотларимиз сифати яхшиланиб, хариддорлирик даражаси ортиб бормоқда.

Корхонамизда ходимлар учун қўлай меҳнат ва маиший шароитлар яратилган. Ой сайин мўмай меҳнат ҳақи тўланаётир. Хар кун бир маҳал иссиқ овқат тайёрланаётгани, бошқа маиший-санитария шароитлари меҳнатда юқори унумга эришилиши таъминламоқда. Корхонамизнинг махсус автомашиналари ходимларни олиб келиб, ишдан кейин қишлоқларига тарқатиб қўяди. Шунинг натижасида иш унуми кўтарилди, маҳсулотимиз ҳажми ортиб бормоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида хорижий истеъмолчиларга қарий 2 миллион долларлик маҳсулот жўнатиш ниятидамиз.

Козим ЧАТОЛТАРЛА,
бошқарувчи.

СОҒЛИҚДАН ЗИЁД БОЙЛИК ЙЎҚ

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг кескин яхшилланишига олиб келди. Буни 5147 кишига тиббий хизмат кўрсатаётган бизнинг қишлоқ врачлик пунктимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўтган йилнинг ўзига шифохонамиз 48 минг АҚШ долларилик янги асбоб-ускуна олди. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган бу жиҳозлар малакали ташхис қилиш-даволаш имконини бераляпти.

Туманимиз аҳолиси саломатлигини сақлашга хизмат қиляётган 18 та қишлоқ врачлик пункти Япония ҳукуматининг "Жайка" гранти лойиҳаси асосида меҳеб ва бошқа жиҳозлар билан мукамал таъминланди. Уларнинг умумий қиймати 810 минг АҚШ долларига тенг. Колган 2 та қишлоқ врачлик пунктига эса, Осие Тараққиёт банки томонидан тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилди.

Бу сай-ҳаракатлар тўғрисида хозирги пайтга келиб, қишлоқ врачлик пунктларида беморларни қабул қилиш, касаллик-

Алишер СЕИТКАРИМОВ,
Гулистон қишлоқ врачлик пункти мудири.

МАҲОРАТ ВА ЖАСОРАТ КЎРИКЛАРИ

Болалар спортини ривожлантириш, мусобақаларда ўғил-қизларимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг муҳим дастурий вазифасига айланди. Дастлабки натижалар Камол Рамонов ва Серик Усмонов сингари малакали мусаббиларимиз, жонқуар ва ташаббускор спорт ташкилотчиларимизнинг сай-ҳаракатлари нийҳатда самарали бўлаётганлигидан далолат.

Чунончи, боксчи ўсмирлар ўртасида ўтган вилоят биринчилигида туманимиз вакили Абдурашул Турдиматов ўз вази тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Шу кунларда бу ёш спортчилар 14 апрелда Навоийда ўтадиган республика биринчилигига қизгин тайёргарлик қиляпти.

Бошқа бир спортчимиз — Самад Ҳусанбоевнинг ютуқлари ҳам ҳаммаимизни қувонтирмоқда. У Ангрн шаҳрида ўтган республика биринчилигида 1993-1994 йилларда тўғилган ўсмирлар ўртасида 46 килограмм вази тоифасида иккинчи ўринни эгаллади.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўра САБДУЛЛАЕВ ва Еркебай БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.

роҳимов, Александр Догай, Алия Иброҳимова, Анвар Каримов, Мархаба Аъзамова сингари ўғлаб ёш спортчиларимиз ўз маҳоратларини ошира бориб, мамлакат ва минтақавий спорт майдонларида қувончли натижаларга эришмоқдалар. Стол теннисчиларимиз Хитой ва Францияда ўтган жаҳон биринчиликларида муваффақиятли иштирок этишди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида болалар спортининг моддий базасини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ўйингоҳларимиз таъмирланиб, янги жиҳозлар билан тўлдирляпти. Бу туманимиз спорт салоҳиятини кўтаришга хизмат қилади.

Сафарбой ИСРОИЛОВ, маданият ва спорт ишлари бўлими мудирининг ўринбосари.

Бугуннинг гапи

ИЗЧИЛЛИК БОР ЕРДА
НАТИЖА ҲАМ БОР

Муҳим вазифалардан яна бири ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, уларга амалий кўмак кўрсатишдир. Маълумки, ҳар йили вилоят касб-ҳунар коллежларини турли йўналиш ва мутахассислик бўйича минглаб ёшларимиз тамомлашади. Шу даврда улар олдида ишга жойлаштириш масаласи кўндаланг бўлади. Шунинг ҳам назарда тутиб, мутахассисликлар бўйича муқим иш билан банд бўлмаган ёшлар аниқланди. Шунингдек, 2009 йил битирувчиларини ҳам инобатга олиб, шу йилнинг 1 сентябрга қадар ишга жойлаштириш режалаштирилди.

Корхоналарда яратилган иш ўринлари ва бу йил қўшимча иш ўрни яратиш имкониятлари ҳам атрофлича қўриб чиқилди. Ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат соҳалари бўйича имкониятлар ўрганилди. Жумладан, солиқ идоралари билан биргаликда тадбиркорлик субъектларида мавжуд иш ўринлари, вакант жойлар, норасмий ишлаётган ва даромад олаётган ходимларни аниқлаб, уларнинг белгиланган тартибда иш билан таъминланган шахс сифатида расмий рўйхатдан ўтказиш ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда умумий овқатланиш, сартарошхона, савдо дўконлари, йўловчи ва юк ташвиш транспортларида, маиший хизмат корхоналари, нововойхона, қурилиш, иссиқхона, қўлаверса, миллий хунармандчилик, тикувчилик, темирчилик каби айрим ишлаб чиқариш цехларида минглаб аҳоли,

(Давоми. Боши 1-бетда).

айниқса, ёшларимиз иш билан банд. Лекин уларнинг аксарияти, ёлланма ишчи сифатида ноқонуний тарзда фаолият юритмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир маҳалла кесимида фаолиятнинг бу турлари билан банд аҳоли, тадбиркорлар рўйхати тузилиб, қонуний тарзда эмин-эркин фаолият юритишлари таъминланмоқда.

Булардан ташқари ҳудудий давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари ишчи гуруҳ фаолияти доирасида атрофлича ўрганилаётди. Кичик бизнеснинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш, юқори технология ишлаб чиқаришларга жадал ўтиш, бозор талаби ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий асбоб-ускуналар, ихчам ва мослашувчан технологиялар билан жиҳозлаш ишлари чуқур таҳлил қилинаётди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш бугунги ва эртанги ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабаб ишчи гуруҳи бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу кунгача янги ташкил этилган корхона ва микрофирмалар шаҳарда йигирма тўрттага етиб, уларда 272 ишчи ўрни яратилди. Ўттизта ана шундай янги корхона фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 417 янги иш ўринлари очилди.

Иши тўхтаб қолган кор-

хона ва ташкилотлар фаолиятини тиклаш ёки тугатиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жами 188 та шундай корхона рўйхатга олинган бўлса, ҳозирга қадар уларнинг 16 тасида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш қайта тикланди ва 71 иш ўрни яратилди. 16 та ночор корхона тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди.

Шунингдек, фаолияти вақтинча тўхтаган якка тартибдаги 630 та тадбиркорнинг 106 нафари қайта иш бошлади. 21 та субъект фаолияти тугатилди. Давлат рўйхатидан ўтган янги якка тартибдаги тадбиркорлар шаҳарда 96, туманда эса, 101 нафарга етди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида Янгийўл шаҳрида иккита объект ишга туширилиб, 82 иш ўрни яратилди. Туманда 5 та янги савдо ва маиший хизмат шаҳобчаларида 172 аҳоли муқим иш билан шуғуллана бошлади.

Йирик ҳамда кичик саноат корхоналарида меҳнат шартномаси асосида қасаначилик фаолияти ҳам изчил йўлга қўйилмоқда. Янгийўл шаҳрида 15 та корхонада 106, тумандаги 12 корхонада 105 нафар қасаначи янгида иш бошлади. Бу кўрсаткичлар дастлабки натижаларимиз, ҳолос.

Ўйлаймизки, бу саяёҳаракатлар, албатта, кутилган самарани беради. Пировардида яратилаётган янги иш ўринлари ва барча имкониятлар халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга, давлат дастури бекаму кўст бажарилишига хизмат қилади.

Сухбатни "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

МУРУВВАТДА
ҲИКМАТ КЎП

"Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонаси томонидан олиб борилаётган ибратли ишлар меҳрга муҳтож инсонлар кўнглини шод этаётди.

Фонд томонидан кам таъминланган, ногирон, ёлғиз кексаларни доимий қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда алоҳида изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Яқинда шу дастур доирасида Паркент туманида яна бир хайрия тадбири ташкил этилди. Унда тумандаги 100 га яқин меҳр-муруватга муҳтож инсонлар, кам таъминланган оила фарзандларига

кийим-кечак ва турли совғалар улашилди.

— Шу кунги туман марказий поликлиникасига 2 та замонавий компьютер жамланмаси туҳфа қилинди, — дейди фонднинг вилоят ваколатхонаси раҳбари Б. Холдоров. — Бундай инсонларварлик акцияларини яна қўллаб қишлоқларда уюштириш мақсадида.

СУРАТДА: хайрия тадбиридан лавҳа.

Даврон АХМАД олган сурат.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 апрель кун "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 28-сонидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланмаётган адвокатларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларини амал қилиши тўхтатилганлиги ҳақидаги рўйхат эълон қилинган эди.

Ушбу рўйхатда кўрсатилган

Муртазаев Файзали TS 000330 — 2000 йил 5 декабрь
Хасанов Сафтор TS 000368 — 2001 йил 12 декабрь
Эшанзаров Бахтиёр Ибратович TS 000565 — 2007 йил 20 апрель
лицензияларининг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги қисми БЕКОР ҚИЛИНСИН.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 93-уй. Телефонлар: 280-51-03, 253-84-30.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 12 май соат 17.00 да очик тендер ўтказилади.

Ангрен шаҳри бўйича

1. ШИ-3 й.т. "Тоҳир дўкони — Мурувват маҳалласи"
2. ШИ-5 й.т. "5/5 даҳа — Чинобод маҳалласи"
3. ШИ-9 й.т. "Хаккарман маҳалласи — Болалар шифохонаси"
4. ШИ-13 й.т. "5/2 даҳаси — Облик маҳалласи"
5. ШИ-14 й.т. "Оппартак маҳалласи — Янги Боғи Сурх маҳалласи"
6. ШИ-15 й.т. "Қорабоғ маҳалласи — Янги Жигаристон маҳалласи"
7. ШИ-18 й.т. "Тоҳир дўкони — Ангрен кўмир кони"
8. ШИ-19 й.т. "Ангрен АШБ — Янгиобод АШБ"
9. ВХ-241 й.т. "Улуғбек маҳалласи — С. Раҳимов м.б. АШБ"
10. ВХ-371 й.т. "Жумабозор қишлоғи — Қўйлик АШБ"
11. ВХ-456 й.т. "А. Ясавий ф/у — Қўйлик АШБ"
12. ВХ-241 й.т. "Ангрен шаҳри"

ШИ-1 й.т. "Ангрен АШБ — Янги Боғи Сурх маҳалласи"

ШИ-4 й.т. "Юқумли касалликлар шифохонаси — Ангрен кўмир кони"

ШИ-7 й.т. "Ангрен АШБ — Қамчиқ қурилиш корхонаси"

ШИ-8 й.т. "Ангрен АШБ — Нозимхона-Ангрен АШБ (Айланма)"



Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳужажли юрт-тўғчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимиятининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43

Янгийўл туманидаги 27-умумтаълим мактаби томонидан 2007 йилда Одилов Абдул Рахматиллаевнинг номига берилган О'Р-ШН 0747998 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўстонлик тумани Абай номидаги 1-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Маханбеткулова Анар Турғунбаевна номига берилган № 127623 рақамли 9-синфини тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Общество с ограниченной ответственностью "AZIZ DESIGN STUDIO" (ООО "AZIZ DESIGN STUDIO"), зарегистрированное в Мирзо Улугбекском хокимияте ул. Т. Хаким, д. 1, кв. 6 (Гувоҳнома № 002574, ИНН 300132151, ОКОНХ 84300) ликвидирована.

Утерьянное Гувоҳнома № 068, регистр. № 1876, выданное 20.03.2008 году Кибрайским хокимиятом на ООО "YUKSALISH-OMAD QURILISH",

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьянный аттестат о среднем образовании АУ № 303168, выданный средней школой № 103 Чиланзарского района г. Ташкента в 1993 году на имя Исмаилова Михаила Санжаровича,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "RISEM INVEST" (ИНН 300991255, ОКПО 22613619) Чиланзарского района г. Ташкента, расположенный по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Сугали ота, 55-А, ликвидирован (протокол собрания № 3 от 10.04.2009г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 328-10-32.

"Кибрай-Агромашсервис" МЧЖ ММТП ўз ҳисобида турган куйидаги қишлоқ хўжалиқ техника-механизмлари ва автоуловларни ММТП таъсисчиларининг 30 март 2009 йил 2-сонли умумий йиғилиши қарорига асосан очик "КИМОШДИ"

савдосида сотувга қўйилишини маълум қилади:

Тракторлар номи	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат белгиси	Дастлабки баҳоси
1. Т-28х4	1987	Б\н	3408500
2. Т-25	1993	20-15 ЕД	2099600
3. ТТЗ-80	1998	06-43	6898700
4. ТТЗ-80	1998	06-44	6898700
5. ТТЗ-80	1998	06-32	6898700
6. Т-150к	1989	33-32	7821000
7. Т-4А	2001	Б\н	8184300
8. Т-4А	1989	Б\н	5554400
9. ДТ-75	1996	Б\н	5654800
10. Комбайн "Нива"	1998	Б\н	7325900
11. Автобус КАВЗ-685	1981	11 АФ 048	2766200
12. Цистерналар 6 дона	(15-25 тонналик)	1 донаси	1100000

Очиқ "Кимошди" савдосида талабгор сифатида иштирок этишингиз мумкин.

Аризалар газетада эълон чиққан кундан бошлаб олинади. Очиқ "Кимошди" савдоси Чинобод к.ф.й., Бўстон кўчасида жойлашган "Кибрай-Агромашсервис" МЧЖ ММТП автосаройи маъмурий биносидан 2009 йил 27 апрель кунни соат 10.00 да бошланади. Маълумот учун телефонлар: 150-12-85, 702-88-52.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИШ БАХТИ

Янгийул тумани Эски Қовунчи қишлоғидаги Керимқулов номи маҳаллада истиқомат қилаётган пири бадавлат онахон – 104 ёшли Адолат момо Юсупованинг қўли доим дуода. Момо эл-юртимизга тинчлик, даҳқончилигимизга ривож, дастурхонимизга тўқилик тилаб дуо қилади.

Яқинда туман "Маҳалла" жам-фармиси, қишлоқ фуқаролари йи-гини мутасаддилари момонинг хо-надонига ташриф буюришиб, уни 104-баҳори билан қутладилар. Қариган чоғида бундай иззат-ик-ромга сазовор бўлганидан, фар-

зандлари ардоғида умргузаронлик қилаётганидан боши кўкка етган онахон кўлларини дуога очиб: "Илоҳим, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин. Кексаларга имон, ёшларга умр берсин", дея фотиҳа тортди.

СУРАТДА: туман "Маҳалла" жамфармиси раиси А. Жўраев, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А. Абдувалиев ҳамда маҳалла оқсоқоли А. Эралиев Адолат момони қутлашяпти.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



ҲИКМАТЛАР

Хулқ – кўзгу. Унда ҳар кишининг афт-анго-ри акс этади.

В. ГЕТЕ.

Ҳамиша яхши ҳаёл билан юр, шунда қила-диган фикрларинг ҳам хайрли бўлади.

Л. ТОЛСТОЙ.

Халол одамни маломат қилиш, қийнаш мум-кин, лекин унинг номини булгаб бўлмайди.

ВОЛЬТЕР.

Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қадрлайдиган имон-эътиқодли инсонни вақти келса рақиб-лар ҳам макташга мажбур бўлади.

Ф. ЛАРОШФУКО.

Темирни занг ддо қилади, одамни – бахил-лик.

ПЕРИАНДР.

Яхши одамни кўрганингда унга ҳўшайин деб ҳавас қил, ёмонни учратганингда ундан чет-лаш ва ич-ичингдан тавба қил.

КОНФУЦИЙ.

Кибру ҳаво одамни аста-секин емириб бо-раверади, алал-оқибат у инсонийликдан чиқ-қанини билмай қолади.

ЭЗОП.

Одам боласи ўғладиган нарсалардан узоқ-роқ юр. Виждонинг қийналмайди.

ХИЛОН.

Сени яхши биладиган кишилар олдида мак-танма, уялиб қоласан.

ЭЗОП.

Мастлик – бу ихтиёринг жиниликдир.

СЕНЕКА.

Вайсақилар бекорҳўжа бўладилар. Кимки оғиз қўптириб гапираверса, ундан фойда-ли иш қутманг.

Ф. ЛАРОШФУКО.

Оқил киши хатосини тан олади, жўхил эса, мен хато қилмайман, деб ёқалашади.

ЦИЦЕРОН.

Тўпловчи ҚАРНОҚЛИ.

Машҳур кишилар ҳаётидан

МЕН ҲАМ СИЗГА ҚОЙИЛМАН

Машҳур физик олим Аль-берт Эйнштейн билан буюк комик актёр Чарли Чаплин бир-бирини ўта ардоқлар, тез-тез хат ёзишиб туришарди. Бир кун Эйнштейн Чаплинга куйидаги мазмунда мактуб йўллади: "Азизим Чарли! Сиз-

нинг санъатингиз барчани ҳай-ратга солади, у ёш учун ҳам, кекса учун ҳам бирдай тушу-нарли. Сизга ҳавасим келади ва сизнинг қаршингизда таъ-зим қиламан".

Чарли Чаплиндан дарҳол жавоб келди: "Дўстим Аль-

берт! Сизнинг эҳтимоллик ва нисбийлик назариянгизга унча-мунча одамнинг ақли етмайди. Барибир сиз фан-да даҳосиз. Сизга қойил қоламан. Сизни қучиб қол-гувчи муҳлисингиз Чарли Чаплин".

ЖУССАГА ЯРАША ЖАЗО

Рашидиддин Вотвот ўн ик-кинчи асрда яшаган машҳур шоирлардан эди. Ўзи ушқоқ-на, овози ингичка бўлгани учун унга Вотвот (синчалакдай митти қуш) деб лақаб берган эдилар. У кўп йиллар Хоразмшоҳ Ало-иддин Отсиз саройида хизмат қилди. Хоразмшоҳ азалий ра-қиб Султон Санжар билан бўладиган муҳорабаларга, ал-батта, Вотвотни ҳам ола кетар-ди. Рашидиддин қасида, ҳажв устаси бўлганидан шох гала-ба қозонса, унга маҳфия бағиш-лар, мағлуб душманини ҳажвия-га қўшарди.

Бир сафар Хазорасп ёнида-ги жангда Отсизнинг қўли ба-ланд келди. Вотвот шохнинг

амри билан бир байт шеър ёзди-ю, найза учига илиб қалъага олди. Шеър мазмуни куйидагича эди: "Эй лақама Сан-жар! Хазораспни (яъни минг отни) оламан, деб овора бўлма, сен битта эшак ҳам ололмай-сан".

Султон Санжар Вотвотнинг бу тахлит шеърларини эшитиб, шўшмай тур, бир кун қўлимга тушарсан, деб гижиниб юрарди.

Иттифоқо, кейинги урушда Хоразмшоҳ мағлуб бўлиб қочди. Султон Санжарга таслим бўлганлар орасида Рашидиддин Вотвот ҳам бор эди. Султон уни бошдан-оёқ шўшмай қўздан кечирди. Вотвотнинг бўйи икки газча келар, кичкина тугмача-

дай кўзларини жовдириб, ерга қириб кетай деб турарди. Султон Санжар вазирга бу-юрди:

– Бул бадкирдорни тўрт пора қилиб, этини итларга таш-ланг.

Вазир қўл қовуштириб Сул-тон олдида бош эгди:

– Амрингиз бош устина, ҳаз-ратим. Вале бул шаккокнинг танаси икки пора этмакка-да ярамайду. Ўтига наинки итин-гиз, ҳатто, чумчуқ ҳам тўймас...

Султон Вотвотга қиё боқиб қулиб юборди.

– Гуноҳидин ўтдик. Ўзидек ушқоқ қурагга миндириб, қўйиб юборинг. Тўрт тарафи қилба.

САЙФИ СОДИҚ.

МАРРАДА БИРИНЧИ

Жиззах шаҳрида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури дои-расида қишлоқларда турмуш маданиятини ошириш, спорт орқали соғлом турмуш тар-зини қарор топтириш мак-садида ташкил этилган умуммиллий марафоннинг финал босқичи якунланди.

Сўнгги натижаларга қўра, умумжамоа ҳисобида бирин-чи ўринни Тошкент вилоя-ти, иккинчи ўринни Наман-ган вилояти, учинчи ўринни Тошкент шаҳри марафончи-лари эгалладди.

ЎЗА.

Баҳор илҳомлари

ОРЗУЛАРИМ

Орзуларим осмон менинг, орзуларим, Бўлмасин ҳеч армон менинг орзуларим. Бу дунёда тилаганим кеча-кундуз – Яхши инсон бўлай дея, орзуладим.

Орзуларим бисёр, менинг орзуларим, Ҳамиша навбахор, менинг орзуларим. Яратгандан сўраганим давлат эмас, Болаликдек пок, беғубор орзуларим.

Орзуларим ширин, менинг орзуларим, Юрагимда лим-лим, менинг орзуларим. Яхшилардан яна излаб дардга даво, Таскин бўлар шеърим, менинг орзуларим.

Орзуларим осмон, менинг орзуларим, Бўлмасин ҳеч армон, менинг орзуларим. Сизни дея олисларни кўзлаяпман, Бўлсам бир кун яхши инсон, орзуларим.

Даврон НОРҚУЛОВ, талаба.

ТАНДИР

Тандир учун лағча чўғ керак, Қалб тафти ҳам жоиздир бир оз, Унда пишган нонлар ҳам бешак, Наввой юзин олармиш андоз. Оруз таъми айлағач бедор, Ҳовлимизнинг этагин ростлаб, Тандир қурдим, кўзгучаси бор, Келинимнинг бўйига мослаб.

Абдумалик МАЛЛАХЎЖАЕВ, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Пискент тумани.



БОЛАЛАР ОРКЕСТРГА ЖЎР БЎЛИШДИ

Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июл-даги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғриси-да"ги қарори юртимизда феолият юритаётган ана шундай маданият муассасалари ҳаётида янги са-ҳифа очди. Хусусан, Чирчиқ шаҳридаги Чайков-ский номи 15-болалар мусиқа ва санъат макта-бида ҳам мазкур қарор ижроси юзасидан кенг қўлмали саъй-ҳаракатлар бошланди.

Эндилда таълим муассасидаги шарт-шароитлар замон талаблари даражасига кўтарилиб, янги мусиқа ас-соблари, илмий-методик қўлланмалар билан таъмин-ланади. Бу эса ўз навбати-да, таълим сифатини оши-ришга хизмат қилади. Аини пайтда мактабда ўқувчиларга 8 йўналишда сабоқ берилаётди. Аиникса, ўзбек халқ оёғуларини, фор-тепьяно, скрипка, хореогра-фия, эстрада хонандлиги бўлимларида ўқиш истаги билан мурожаат қилаётган

корлик қилишга қаратаётган эътиборимиз яхши самара бе-раяпти.

Яқинда мусиқа мактабида яна бир катта тадбир бўлиб ўтди. "Суддённа" ўзбек халқ оёғуларини камер оркестри мактабда бўлиб, ўз концерт дастурини намойиш этди.

– Мактабнинг биз билан қилаётган ақин ҳамкорлиги мени гоат қувонтиради, – дейди оркестрнинг бадий раҳбари, республикада хиз-мат қўрган артист Феруза Абдурахимова. – Бундай тад-бирларнинг тез-тез уюшти-рилиб туриши мактабдаги таълим сифатини юқори да-ражага кўтариш, ўқувчилар-нинг билим ва қўникмалари-ни мустаҳкамлаш, санъатга бўлган меҳр ва иштиёқни кучайтиришга хизмат қилади.

Алишер РАҲМАТОВ.

СУРАТДА: "Суддённа" оркестри концерт дастури-ни намойиш этиш пайтида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Гуёҳвандлик – иллат

Дунёга ҳамма бир хил кўринишда келади, лекин қандай яшаб ўтиш ҳар ким-нинг ўзига боғлиқ. Одам-лар бор, халол меҳнати билан юртада обрў-эътибор топади. Одамлар бор, тур-муш қийинчиликлари, ҳаёт синовларини четлаб ўтсам, меҳнат қилмасаму кайфу сафода яшасам, дейди. Та-бийки, ўзи орзу қилган кайфу сафони эгри кўча-лардан излайди, қоқилиб-суқилса ҳам ундан қичиб кетишни хаёлига келтири-майди. Бамисоли парвона-дек, бир бора гурра бўлган пешонасини яна ўша кўча-ларда шишириб юрабера-ди.

Эндигина ўттиз беш ёшга кирган ўқтам Оқжиги-товни аини ўша пар-вонага менгзаш мум-кин. У ҳаёт мазмуни-ни кайфу сафода деб англаб, наشاءандлик-ка ружу қўйди, бетар-тиб, пала-партиш тур-муш тарзини ўзича йгитчилик деб ту-шунди. Бундай енгил-елпи юриш-туриш пир-овардида ҳаётини барбод қилди. Дастлаб 1993 йил-нинг 9 мартда вилоят су-дининг ҳўкми билан озод-ликдан маҳрум қилинди. 1999 йилнинг 13 августида жа-зони тўлиқ ўтаб чиқди, бироқ яна ўрганган кўнгил измидан чиқа олмади. Оқибатда жиноят ишлари бўйича Янгийул шаҳар су-дининг 2002 йил 11 ноябр-даги суд мажлиси ҳўкми билан 4 йилга "кесилди". Шунда ҳам жамият унга нисбатан инсонпарварлик кўрсатди, жа-зони ўташдан барвақт озод қилинди.

Афсуски, қисқа муддат-да икки марта гурра бўлган боши яна ўша йўлни тут-ди, жиноятнинг қоронғу йўлақларига ўзини урди. Охири Ўзбекистон Респу-бликаси Жиноят Кескис-нинг 276-моддаси 2-қисми-нинг "а" бандида қайд қилинган жиноятни содир этиб, учинчи марта қора қурсига ўтирди. Бу жиноят иш-ини кўриб чиқиб, 2005 йилнинг 26 октябрда жи-ноят ишлари бўйича Ян-

гийул шаҳар суди унга 3 йил 6 ой муддатга қамоқ жазоси тайинлади. Шунда ҳам жамият ундан тамомила юз ўгирмади, бу ноқобил фарзанд ҳаётини тўғри йўлга солиб олиши учун учинчи марта имкон берди.

Афсуски, у аллақачон ўзлигини йўқотиб, маъна-вий-ахлоқий қашшоқлашиб бўлган экан. Учинчи марта жа-зони ўташдан шартли ра-вишда озод этилганлиги ўзига кўрсатилган марҳамат бўлганлигини идрок этиш-га унда ақл-фаросат етиш-мади, яна ўша парвонадек ўзини ўтга-чўққа уришлар-дан тийилиш учун ўзида ирода, куч тополмади. Бу

кўриб чиқди. Дастлабки тергов ва суд мажлисида у ўз айбларига иқдор экан-лигини эътироф этди, ал-батта. Зеро, бошқа илоҳи ҳам йўқ эди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, тинтув баён-номалари, суд-наркологик экспертиза хулосалари, поликлиника маълумот-маси, ашвёвий далиллар унинг гуёҳвандлик модда-лари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш-дан иборат жиноят содир этиб келаётганлигини тас-диқлаб турарди.

Шуларни ҳисобга олиб, илгари ўталмаган жа-зони қисман қўйиш йўли билан суд уни ўзил-кесил 5 йил-га озодликдан маҳрум

қуриб, элакдан ўтказиб, оддийгина пластмасса идиш – баклашадан росмана чи-лим ясаб олди. Қўнига уч марта наша чекиш ҳаёт тар-зининг ёзилмаган қондаси-га айланди.

Бора-бора бу ҳам уни қониқтирмай қолди. Энди томорқасида уруғ селиб, наша, қўқнори ўстиришга ўтди. Ўтган йил 4 июнь кунини "Кўқнори – 2008" тад-бирини ўтказиш чоғида ички ишлар ҳодимлари унинг томорқасини ҳам текшириб чиқиди. Ҳовли-даги гуллар орасида 6 тур-кўқнори, 5 тур наша гур-қираб ўсиб турганини кўрган ҳолислар лол қолишди. Шу кун у наша баргларини қури-тиб, элакдан ўтқа-зиб, 62,9 грамм марихуана-ни че-киш учун тайёрлаб қўйганлиги ҳам аниқланди.

Табиийки, жино-ят ишлари бўйича Ўртачирчиқ туман суидида Акмал Аб-дуллаев нашани ўз истеъ-моли учун парваришлаб етиштиратганлигига тўла иқдор бўлди. Лекин асло уни сотиш ниятида бўлма-ганлигини айтиб, тавба-та-зарру қилди.

Одил суд жиноятнинг барча жиҳатларини ҳисобга олиб, унга 3 йил 6 ой му-датга озодликдан маҳрум қилиш жа-зосини тайинлади. Лекин Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, қамоқ жа-зоси шартли жа-зога алмаштирилди, бир йил синов муддати белги-ланди. Ўртачирчиқ мар-кази шифохонаси раҳбария-тига уни гуёҳвандликка қарши мажбурий даволаш юқлатилди.

Ҳа, гуёҳванд моддалар-нинг кайфу сафоси шўнча-лики, уни кўнгил ҳўши учун бир марта истеъмо-л қилиш ҳар қандай одамни бамисоли парвонага айлан-тиради-қўяди. Пировардида бошқалардек яшаш бахти-дан мосуво қилиб, турмуш-ини жаҳаннамга айлантира-ди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Рассом хандази



А. ҲАКИМОВ чизган расм.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "7-Автокорхона" ОАЖга 2003 йил 26 февралда ҳамда 2008 йил 26 февралда амал қилиш муддати билан берилган "Прекурсорларни сақлаш ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш" тўғрисидаги 001668-сон ПР серияли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълолар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Ёлмон ва билди-рувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун ре-клама ва ёлмон бе-рувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-340.

Адади 8853.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Саҳифаловчи: Тохир МАХМУДУЖАЕВ.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Қорхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр қўрсатиш – 205.

Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.20.